Тошкент оқшоми

2016 ЙИЛ 28 СЕНТЯБРЬ, ЧОРШАНБА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 200 (13.263)

Баҳоси эркин нархда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



Иқтисодиёт

ХАРИДОРЛАР ТАЛАБИГА МОС МАҲСУЛОТЛАР

Бугунги кунда иқтисодиётни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг 56,7 фоизи ҳамда иш билан банд аҳолининг 77 фоизи ушбу сектор ҳисобига тўғри келаётганининг ўзи ҳам буни кўрсатиб турибди.

Шу сабабли давлатимиз томонидан тадбиркорликнинг бу турини ривожлантириш, ишбилармонларни қўллаб-қувватлашга катта эътибор қаратилмоқда.

Кейинги пайтларда яратилган қўплаб имкониятлар ва қулай муҳит сабаб ишлаб чиқаришнинг барча йўналишларида юқори кўрсаткичларга эришилди. Бозорларимиз озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотлар билан тўла. Импорт ўрнини босадиган, рақобатбардош миллий маҳсулотларимиз борган сари кўпайиб бормоқда.

Худди шундай сифатли маҳсулотлар Бектемир туманидаги "Chilon Lubricants" масъулияти чекланган жамиятида ҳам ишлаб чиқарилмоқда. Ушбу корхона 2012 йилда ташкил этилган бўлиб, локомотив ва вагонларининг тормоз тизими, завод ва фабрикалардаги техника ва технологияларнинг ишлашини таъминлашда суриладиган ёғ маҳсулотлари ишлаб чиқаради. Корхона йилига тўрт минг тонна маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган замонавий технологиялар билан жиҳозланган.

"Chilon Lubricants" масъулияти чекланган жамияти тўғридан тўғри буюртмачилар ва уларнинг аниқ талабидан келиб чиққан ҳолда маҳсулот ишлаб чиқаради. Маҳсулот тайёрлаш жараёнида буюртмачилар ўзлари қатнашадилар ҳамда таклифларини билдирадилар. Бу эса максимал даражада фойда берадиган маҳсулот ишлаб чиқаришда ижобий самара бермоқда.

– Ўтган йили ишимизни ривожлантириш мақсадида "Капиталбанк"нинг Сергели филиалидан 1,3 миллиард сўм кредит олдик, – дейди корхонанинг ижрочи директори Екатерина Лазарева. – Маҳсулотларимиздан саноатнинг қўплаб соҳаларида фойдаланилиши боис буюртмачиларимиз кўп. Навоий тоғ-кон металлургия комбинати, Олмалиқ тоғ-кон металлургия комбинати, Тошкент метрополитени, "Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамиятлари ҳам буюртмачиларимиз сирасига киради.

Бугунги кунга келиб корхонада қирққа яқин ишчи-ходим меҳнат қилмоқда, улардан тўрттаси касб-ҳунар коллежи битирувчилари. Фаолиятимиз кенгайиб борган сари янги иш ўринларини ташкил этиб, ушбу жойларга ёшларимизни жалб қилмоқдамиз. Жорий йилда ҳам бешта янги иш ўрни яратилди. Бу ерда ишчи-ходимлар учун қулай шарт-шароитлар яратилган. Ошхона, кийиниш ва ювиниш, дам олиш хоналари доимий хизматда.

2015 йил мобайнида 500 тонна маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлса, жорий йилнинг олти ойи давомида 528 тонна маҳсулот тайёрланди. Бу корхона ишчи-ходимларининг ўз вазифаларини масъулиятни ҳис қилган ҳолда бажарганидан далолат беради.

Корхона жамоаси катта мақсадларни кўзлаган ҳолда иш олиб бормоқда. Улар келажакда халқаро сифат сертификатини қўлга киритиб, ўз маҳсулотларини экспорт қилишни режалаштирмоқдалар.

Абдуалим САЛИМОВ
Ислом Исмоилов олган сурат

СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР ИМЗО ТЎПЛАШНИ ДАВОМ ЭТТИРМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси 2016 йилнинг 9 сентябридан Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўйича сайлов кампанияси расман бошланганини эълон қилди. "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги Қонунга 2015 йил 29 декабрда киритилган ўзгартишларга мувофиқ сиёсий партия томонидан тақдим этилган имзо варақалари Ўзбекистон Республикаси жами сайловчилар умумий сонининг 5 фоизидан 1 фоизигача камайтирилди. Бу 214 минг 350 нафар сайловчи имзосини ташкил этади.

Шу кунларда мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган барча сиёсий партиялар – Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, Ўзбекистон Халқ демократик партияси, Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси томонидан сайловчилар имзосини тўплаш жараёни амалга оширилмоқда.

– Марказий сайлов комиссияси томонидан сайловчилар имзосини тўплаш учун имзо варақалари берилганидан сўнг, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ташкилотларида имзо тўплаш жараёни бошлаб юборилди, – дейди Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси марказий кенгаши ижроия қўмитаси девони бўлим бошлиғи Д.Рашидова. – Айни кунларда бу жараён қизғин паллага кирди. Имзо варақаларини тўлдириш тартиби ва бу борада қатъий амал қилиниши лозим бўлган жиҳатлар сайловчиларга тушунтирилмоқда. Қонунчиликка мувофиқ, сайловчилар имзосини тўплаш иш, хизмат, ўқиш, яшаш жойида, сайловолди тадбирларида, шунингдек, ташвиқот юритиш ва имзо тўплаш қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа жойларда олиб борилмоқда.

– Имзо тўплаш жараёни уюшқоқлик билан ўтказилмоқда, – дейди Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси сиёсий кенгаши ижроия қўмитаси раиси ўринбосари Б.Ёқубов. – Партия марказий органлари томонидан имзо тўплаш жараёнини ҳар жиҳатдан мукаммал ўтказиш, варақалар тўғри тўлдирилиши устидан назоратни йўлга қўйиш бўйича аниқ топшириқлар берилган. Тадбирларни уюшқоқлик билан ўтказиш учун шаҳар ва туман партия кенгашлари, бошлан-ғич партия ташкилотлари имкониятларидан самарали фойдаланиш масаласига жиддий эътибор қаратилмоқда.

– Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иштирок этишини қўллаб-қувватлаш учун сайловчилар имзосини тўплаш ишлари ҳудудий, туман, шаҳар ва бошланғич партия ташкилотлари ва партиянинг "Фаол аёллар" ва "Истиқбол" ёшлар қанотларидан иборат фаол партия аъзолари кўмагида амалга оширилмоқда, – дейди Ўзбекистон Халқ демократик партияси марказий сайлов штаби раҳбари ўринбосари Б.Юсупов. – Имзо тўплаш жараёнида фаолларимиз сайловчилар билан гаплашиб, Президент сайловининг мамлакатимиз тараққиёти ва халқимиз келажагини белгилашдаги аҳамиятини кенг тушунтириш асносида партиямиз номзодини қўллаб-қувватлашга етарли имзо тўплаш учун устав ва дастурларимизнинг аҳоли ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги ўрни ва роли, партиямиз томонидан амалга оширилаётган ишлар ҳақида кенг маълумотлар беришга эътибор қаратаяпмиз.

– Мамлакатимизда сайловлар Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва сайлов тўғрисидаги қонунларга мувофиқ ҳамда халқаро демократик меъёр ва қоидаларга амал қилинган ҳолда очиқлик, ошкоралик шароитида ташкил этилмоқда, – дейди Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси сиёсий кенгаши марказий аппарати бўлим мудири Ф.Эшонқулов. – Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан сиёсий партияга сайловчилар имзосини тўплаш учун имзо варақалари берилган кунданоқ ушбу жараённи юқори савияда ташкил этиш ва самарали ўтказишга доир тадбирлар белгиланди. Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясининг барча маҳаллий ва ҳудудий ташкилотларида тузилган сайлов штаблари томонидан мазкур жараёнга партиянинг бошланғич бўғинлари, жойлардаги депутатлик гуруҳлари вакиллари кенг жалб этилмоқда.

Таъкидлаш лозимки, тўпланаётган имзо варақалари топширилгач, Марказий сайлов комиссияси уларнинг тўғри тўлдирилганини текширади.

Б.БОЗОРОВ,
ЎзА мухбири

ШАҲАР ОКРУГ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

Куни кеча Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 14-Тошкент шаҳар округ сайлов комиссиясининг биринчи йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишни шаҳар округ сайлов комиссиясининг раиси А.Юнусхўжаев олиб борди.

Унда 14-Тошкент шаҳар округ сайлов комиссиясининг Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича асосий тадбирлар дастури, сайлов комиссиясининг иш режасини тасдиқлаш, сайлов участкаларини тузишга тайёргарлик кўриш, округ сайлов комиссияси аъзоларини "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг жойлардаги ижросини назорат этиш ва сайлов участкаларига амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида туманларга бириктириш ҳамда сайловни ёритиш бўйича шаҳар округ матбуот марказини ташкил этиш ва бошқа масалалар кўриб чиқилди.

Йиғилишда кўрилган барча масалалар бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди.

* * *

2016 йил 27 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 14-Тошкент шаҳар округ сайлов комиссиясининг маҳаллий оммавий-ахборот воситалари ходимлари учун илк матбуот анжумани ўтказилди.

Унда округ сайлов комиссиясининг раиси маҳаллий оммавий-ахборот воситалари вакилларини округ сайлов комиссияси томонидан ўтказилган биринчи йиғилишда қабул қилинган қарорларнинг мазмун моҳияти билан яқиндан танишитириб ўтди. Журналистларни қизиқтирган саволларига атрофлича жавоблар берилди.

14-Тошкент шаҳар округ сайлов комиссияси жойлашган манзил – Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 14.
Тел: 232-11-66

(Ўз мухбиримиз)

XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Самарқандда Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги Божхона кодексини тарғиб қилиш ва амалиётда қўллашга бағишланган семинар бўлиб ўтди.

● Навоий вилоятида тадбиркор ёшларнинг лойиҳа ва ташаббусларини қўллаб-қувватлаш борасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. 2015–2016 ўқув йилида вилоятдаги ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларини битирган 12 мингдан зиёд ёшларнинг 3 минг нафари тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш истагини билдирган. Айни пайтга қадар 1 минг 224 битирувчига тижорат банклари томонидан 11 миллиард 680 миллион сўм миқдорида имтиёзли кредит маблағлари ажратилган.

● Яқинда иш бошлаган Фарғона туманидаги "Rubber gold" масъулияти чекланган жамиятида яроқсиз автошиналардан замонавий технологиялар асосида резина гранулалар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

● Андижон вилоятининг Марҳамат туманида "Ўз касбининг моҳир эгаси" танловининг туман босқичи бўлиб ўтмоқда.

● Бухорода "Ораста қизлар даврази" кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

ЖАҲОНДА

● Батареяларининг сиғимдорлиги билан фахрлана оладиган телефон ва смартфонлар жуда кўп, бироқ улар қувватни ўзида узоқ сақлай олмайди. Philips бундай телефонлар ўрнига 139 кун қувватлашсиз ишлай оладиган Xenium E570 телефонини тақдим қилди.

● Америкалик тадқиқотчиларнинг Гавайи ороллари яқинидаги Кук сувости вулқонига тўрт километр чуқурликдаги сувости вулқонига уюштирилган экспедиция давомида баҳайбат сузгичларга эга бўлган саккизоёқларнинг янги турини аниқлади. Шунингдек, бинафшаранг маржонларнинг янги тури топилди.

● Голландиялик олимлар ҳайдовчисиз катерлар имкониятини ўрганишга қаратилган 5 йиллик тадқиқот дастурини тақдим қилдилар. Roboat деб номланган тадқиқот дастури АҚШнинг Массачусетс технологик институти ва икки голланд университети олимлари томонидан олиб борилмоқда. Дастурнинг нархи 25 млн. еврони ташкил қилади. Олимлар ҳайдовчисиз катер прототипини 2017 йилда намойиш қилишга ваъда бермоқдалар.



Энергетика жиҳозлари, электротехника воситаларининг XI "UzEnergyExpo – 2016", қурилиш материаллари, иситиш ва вентиляция, сув таъминоти, мебель ва дизайн соҳасидаги VI "UzStroyExpo – 2016" халқаро кўргазмасидан лавҳа.

ОЧИҚ МУЛОҚОТ

Мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш, ишчанлик муҳитини такомиллаштириш, ишбилармон доира вакилларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг чет эллик шериклари билан алоқаларини йўлга қўйишда кўмаклашиш мақсадида кўпгина ишлар амалга оширилиб келинмоқда.

Жумладан, тадбиркорлар ва мутасадди ташкилотлар вакиллари иштирокида турли тадбирлар, давра суҳбатлари, семинарлар ташкил этилиб, уларда ишбилармон доира вакилларининг соҳавий билимларини бойтиш, тадбиркорликка оид янги қонун ҳужжатлари билан таништириш, ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, мавжуд муаммо ва камчиликлари ўрганилиб, уларни ечимини топиш бўйича чоралар кўрилмоқда.

Худди шундай тадбирлардан бири Юнусобод тумани ҳокимлигида ташкил этилди. Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси томонидан ташкил этилган тадбирда Тошкент шаҳар прокуратураси, Адлия, Давлат солиқ, Статистика, Архитектура ва қурилиш бошқармалари, коммунал идоралари ҳамда бошқа мутасадди ташкилотлар вакиллари ва тадбиркорлар иштирок этишди.

Мазкур тадбирни ташкил этишдан кўзланган мақсад бугунги кунда тадбиркорлик субъектларида учраётган муаммоларни назорат қилувчи орган ва идоралар томонидан тезкорлик билан ҳал этиш, уларнинг фаолиятини ривожлантиришга кўмаклашиш ва Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан қабул қилинаётган қарор ва фармонлар моҳиятини тушунтириш ва уларнинг ижроси бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳақида тадбиркорларга маълумотлар беришдан иборатдир.

"Очиқ мулоқот" давомида тадбиркорлар ўзларини қийнаётган муаммолар, маълум бир йўналишда қизиқтирган саволларига бевосита мутасадди идоралар вакилларидан жавоб олишди ҳамда ўз таклифларини билдириб ўтишди. Шунингдек, тадбир доирасида Юнусобод туманида фаолият юритаётган экспортёр ва саноат корхоналари фаолиятида вужудга келаётган муаммоларнинг сўровнома орқали мониторинги ўтказилди.

Абдували СОДИҚОВ

АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИШЛАР ВА ЭРИШИЛГАН НАТИЖАЛАР

Пойтахтимизда "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, баркамол авлодни тарбиялаш ҳамда оила институтини мустаҳкамлаш борасидаги фаолияти: амалга оширилаётган ишлар, эришилган натижалар ва мавжуд муаммолар" мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Тадбир Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Тошкент шаҳар ҳудудий бўлинмаси, шаҳар Хотин-қизлар қўмитаси, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди шаҳар бўлими, Ички ишлар бош бошқармаси билан ҳамкорликда ташкил этилди. Унда "Маҳалла" хайрия жамоат фонди шаҳар бўлими, ички ишлар, соғлиқни сақлаш ҳамда халқ таълими бош бошқармалари, Ўзбекистон мусулмонлари идораси шаҳар вакиллиги ҳамда "Оила" илмий-амалий маркази мутахассислари, маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Ўзини ўзи бошқаришнинг халқимизга хос ноёб тизими бўлган маҳалланинг кундалик ҳаётимиздаги ўрни мустаҳкамланиб, мавқеи йилдан йилга тобора ортиб бораётганлиги, мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодий соҳаларда олиб борилаётган ислоҳотларда фаол қатнашаётганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Тадбирда сўз олганлар мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётида фуқаролик жамиятининг асосий бўғини бўлган маҳалла институтининг аҳамияти тобора ошиб бораётганини алоҳида таъкидлаб ўтишди. Айни пайтда аҳолига энг яқин бўлган анъанавий демократик бошқарув тизими сифатида фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳуқуқ ва ваколатлари босқичма-босқич кенгайтирилиб, жамият бошқаруви тизимидаги ўрни ва роли кучайиб бормоқда.

Таъкидлаш жоиз, мамлакатимизда аҳоли, хусусан, хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, уларнинг жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги фаоллигини ошириш, ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Тадбирни ўтказишдан кўзланган мақсад фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг хотин-қизларни ҳар тарафлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, ҳудуддаги вояга етмаганлар ва ёшларнинг маънавий-маърифий етук бўлиб вояга етишларига кўмаклашиш, оила ва никоҳ муносабатларининг қонунийлиги ва оилалар мустаҳкамлигини таъминлаш, оилавий низоларни тинч йўл билан ҳал этиш борасида фуқаролар йиғинлари томонидан амалга оширилаётган ишлар, бу йўналишда ижобий натижаларга эришган маҳаллаларнинг тажрибасини оммалаштириш, соҳада вужудга келаётган муаммоларни аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш юзасидан экспертларнинг фикр-мулоҳазалари асосида аниқ таклиф ва тавсиялар тайёрлашга қаратилган.

— Мамлакатимизда фуқароларимизнинг эркин яшаши, фаровон ҳаёт кечириши учун барча шароит яратилган, — дейди Сергели тумани ҳокими ўринбосари, туман хотин-қизлар қўмитаси раиси Дилором Раҳимжонова. – Айниқса, маҳалланинг оилалар мустаҳкамлигини таъминлаш, хотин-қизларни ҳар тарафлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, ҳудуддаги вояга етмаганлар ва ёшларнинг маънавий-маърифий етук бўлиб вояга етишларига кўмаклашиш борасидаги фаолияти такомиллашиб бормоқда. Бу борада кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Туманимиздаги 39 маҳаллаларда ҳам хусусий тадбиркорлик, оилавий бизнес ва ҳунармандчилик янада ривож топаётир. Кўплаб хотин-қизларимизга маҳалланинг кўмаги ва кафиллиги асосида тадбиркорлик қилиш учун имтиёзли кредитлар олиб берилмоқда.

Тадбирда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг хотин-қизларни ҳар тарафлама қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган тадбирларни ташкил этиш, ёшлар ва хотин-қизларни иш билан таъминлаш, меҳнат шароитларини яхшилаш, ҳунар ўрганиш, касаначилик билан шуғулланиш, тадбиркорликни ривожлантириш борасида олиб борилаётган ишлар, баркамол авлодни тарбиялаш ҳамда оила институтини мустаҳкамлаш борасидаги вазифалари ва бу соҳада давлат ва нодавлат ташкилотлар билан ҳамкорлиги мавзуларида маърузалар тингланди.

Ўтказилган давра суҳбатида фуқаролар йиғинлари вакилларига маърузалар орқали оилалар мустаҳкамлигини ҳамда оила ва никоҳ муносабатларининг қонунийлигини таъминлаш, вояга етмаганлар ва ёшларнинг маънавий-маърифий етук бўлиб вояга етишларига кўмаклашиш, шунингдек, хотин-қизларни ҳар тарафлама қўллаб-қувватлаш борасида амалга ошириладиган долзарб вазифалар, уларни амалга ошириш усул ва воситалари мисоллар орқали тушунтириб ўтилди.

Давра суҳбати давомида эришилган ютуқлар ҳамда камчиликлар муҳокама этилиб, тегишли таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Зиёда РАСУЛОВА
Мавлуда ТАДЖИЕВА,
ФЖШМҚМИ Тошкент шаҳар ҳудудий бўлинмаси етакчи мутахассиси

Реклама ўрнида

ASIA ALLIANCE BANK

"ASIA ALLIANCE BANK" акциядорлик-тижорат банки 2009 йилдан бошлаб молия бозорида фаолият юритиб, айни пайтда мамлакатимиз иқтисодиётининг ривожланишига ҳисса қўшиб келаётган молиявий институтлардан бири ҳисобланади. Мазкур банк фаолияти мобайнида корпоратив ва хусусий мижозлар учун барча турдаги молиявий хизматларни кўрсатиб келмоқда. Унинг асосий устувор жиҳатлари: мустаҳкамлилик, мижозлар ишончи ва кўрсатилаётган хизматлар сифатини мунтазам ошириб бориш ҳисобланади. Банк фаолиятига ижобий таъсир кўрсатувчи асосий омиллар бу банкнинг юқори рақобатбардошлиги ҳамда ишлаб чиқилган аниқ кредит ва депозит сиёсатидир. Шу билан бирга банк замонавий ахборот технологияларига асосланган инновацион банк хизматларини ривожлантиришга катта эътибор қаратмоқда.

"ASIA ALLIANCE BANK" – ИШОНЧЛИ ҲАМКОР

Банкнинг асосий стратегик вазифаларидан бири юқори самарали филиал тармоғини яратиш орқали банкнинг Тошкент шаҳар ва республика ҳудудларида бозордаги ўрнини мустаҳкамлашни таъминлашдан иборат. Бу банкнинг Тошкент шаҳар ва республика ҳудудларидаги ўрнининг мустаҳкамланишини таъминлайди. Янги таркибий тузилмалар мижозлар қўламини кенгайтиришга ва банк инфратузилмасини унинг хизматларидан фойдаланувчиларнинг кенг доирасига яқинлаштиришга кўмаклашади. Бугунги кунда ушбу банкнинг 6 та филиал, 11 та мини-банк ва 15 та махсус кассалари банк хизматларини кўрсатиб келмоқда. Айни кунларда Самарқанд шаҳри ва Тошкент шаҳрининг Чилонзор туманларида ҳудудий филиалларни ташкил этиш ишлари олиб борилмоқда.

Банкнинг муваффақиятли фаолиятининг асосий мезонлари банк активларининг ўсиши ва мижозларининг кўпайиб бориши ҳисобланади. 2016 йил 1 июль ҳолатига кўра банкнинг соф активлари ҳажми 1.109 млрд. сўмни ташкил этиб, корпоратив мижозларнинг сони эса 3,1 мингтага етган. Банк учун кичик ва хусусий бизнес корхоналари билан ҳамкорлик муносабатлари муҳим йўналишлардан ҳисобланади. Банкда 113 мингдан ортиқ жисмоний шахслар ҳисобварақларига хизмат кўрсатилмоқда.

Кредитлаш банк фаолиятининг устувор йўналиши ҳисобланади. 2016 йил 1 июль ҳолатига кўра банкнинг кредит портфели 574 млрд. сўмга етиб, активлар суммасининг 50,9% ни ташкил этади. Кредитларнинг асосий қисми корпоратив мижозларга иқтисодиётнинг саноат, савдо-сотиқ ва умумий овқатланиш, транспорт ва коммуникациялар каби базавий соҳаларига берилган улушига тўғри келади. Ушбу кўрсаткичлар АТБ "ASIA ALLIANCE BANK" мижозлар томонидан замонавий, халқаро стандартларга мос бўлган хизматларни таклиф эта олувчи ишончли ва жиддий ҳамкор сифатида тан олинишини англатади.

Банк томонидан халқаро фаолиятни кенгайтириш ва банк нуфузини мустаҳкамлаш мақсадида банклар билан вакиллик муносабатларини кенгайтириш, халқаро пул ўтказмалари, пластик карталар, халқаро молия институтлари ва компаниялар тизимлари билан ҳамкорлик ўрнатишда катта ютуқларга эришилди. Ҳамкорлик "ASIA ALLIANCE BANK"да ўз ривожланишининг энг муҳим стратегик йўналиши сифатида қабул қилинади. Банк ташқи иқтисодий фаолиятининг асосий устувор йўналишлари ўз мижозларининг талабларини қондириш ҳамда Ўзбекистон иқтисодиёти тармоқларини молиялаштириш мақсадида жаҳон молия бозоридан ресурслар жалб қилиш ва нуфузли халқаро молия ташкилотлари билан самарали иш олиб бориш ҳисобланади.

Хорижий кредит линияларини жалб қилиш орқали "ASIA ALLIANCE BANK" мамлакатимизда хусусий бизнеснинг мустаҳкамланиши, экспорт салоҳиятини ошириш, ички ва ташқи бозорларда маҳсулотлар ҳажмини оширишга ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда. Ҳозирги кунда банк томонидан савдо ва лойиҳаларни молиялаштириш соҳаларида халқаро молия институтлари ва хорижий банклар билан ҳамкорлик муносабатлари ўрнатилган. Мисол тариқасида, Хусусий секторни ривожлантириш бўйича Ислом корпорациясининг молиялаш линияси ҳисобидан узоқ муддатли лойиҳалар молиялаштирилган. Хусусий сектор лойиҳаларини Германиянинг "Euler Hermes" экспорт кредит агентлиги томонидан қопланиши ҳисобига узоқ муддатли хорижий кредит линияларини жалб қилиш бўйича Германиянинг LandesbankBerlin AG ва LandesbankBaden-Württemberg банклари билан базавий кредит битимлари имзоланди.

Банкнинг хорижий молия институтлари билан савдони молиялаштириш соҳасидаги ҳамкорлги хорижий ҳамкорлар томонидан юқори баҳоланмоқда. Шуни таъкидлаш жоизки, "ASIA ALLIANCE BANK" Германиянинг Commerzbank AG банки томонидан икки маротаба ушбу соҳадаги ҳамкорлиги учун "Аъло даражадаги ўзаро ҳамкорлик" мукофотига сазовор бўлган. Банк маслаҳатчилари, компаниялар раҳбарлари ва соҳа таҳлилчилари иштирокидаги халқаро нуфузли "Global Finance" нашри фикрларига кўра жорий йилда "ASIA ALLIANCE BANK" савдони молиялаштириш соҳасида Ўзбекистоннинг энг яхши банки, деб эътироф этилди. Эслатиб ўтиш жоизки, ушбу нашр хабарига кўра, "ASIA ALLIANCE BANK" 2014, 2015 ва 2016 йилларда "Осиё-Тинч океани минтақасида ривожланаётган бозорлардаги дунёнинг энг яхши банклари" номинациясида Ўзбекистоннинг энг яхши банки, деб топилган. Бундан ташқари, "ASIA ALLIANCE BANK" халқаро нуфузли журнал "Euromoney" дан "Энг яхши ютуқлари учун Awards for Excellence 2016 мукофотини олган ва ушбу нашр томонидан 2016 йилда "Ўзбекистоннинг энг яхши банки", деб эътироф этилган.

Банкнинг ишончли молиявий ҳолати рейтинг агентликлари томонидан ўтказиладиган мониторинг асосларида халқаро ҳамда миллий шкала бўйича кредит рейтинглари билан тасдиқланмоқда. Банк "Moody's Investors Service" рейтинг агентлигининг "B3" шкала бўйича "барқарор" прогнози кредит рейтингига эга. 2015 йилнинг сентябрида "Ahbor-Reyting" рейтинг агентлиги томонидан банкнинг "uzA+" миллий шкаласи бўйича "барқарор" прогнози индивидуал кредит рейтинги тасдиқланди.

Аввалги йилларда бўлгани каби, "ASIA ALLIANCE BANK" бугунги кунда ҳам юқори ишбилармонлик фаолиятини намойиш этиб, долзарб ва талаб мавжуд бўлган йўналишларни жадал ривожлантириб, банк хизматларининг кенг кўламини кўрсатиш орқали кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига самарали молиявий ёрдам кўрсатмоқда. Банк муваффақиятларининг асоси — янги банк технологияларини доимий жорий этиш, халқаро шериклар билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш, юқори касбий маҳорат ва мижозларининг ишончини қозонишдир.

Хизматлар лицензияланган

Олмазор тумани ҳокимининг
ҚАРОРИ

ОЛМАЗОР ТУМАНИДА ИЖТИМОИЙ МУҲОФАЗАГА МУҲТОЖ ВА ИШ ТОПИШДА ҚИЙНАЛАЁТГАН ШАХСЛАРНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ УЧУН ИШ ЎРИНЛАРИНИ 2017 ЙИЛ УЧУН БАНД ҚИЛИБ ҚЎЙИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикасининг "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"ги Қонуни 17-моддаси (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси 1998 й., 5-6-сон, 97-модда), "Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида"ги (янги таҳрири) Қонуни 25-моддаси (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси 2008 й., 7-сон, 353-модда), "Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"ги Қонуни 8-моддаси (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси 2008 й., 4-сон, 190-модда), Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Аҳолининг ҳожатманд қатламларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ҳамда тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2016 йил 22 февралдаги ПФ-4782-сон Фармони (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 8-сон, 73-модда), "Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2016 йил 24 февралдаги ПҚ-2498-сон Қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 9-сон, 85-модда), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 20 августдаги 186-сон қарори билан тасдиқланган "Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш тартиби тўғрисида"ги Низомга (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 34-сон 333-модда) мувофиқ ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун 2017 йилга мўлжалланган банд қилиниши керак бўлган иш ўринлари сонини ва уларга қўйиладиган талабларни белгилаш бўйича туман махсус комиссиясининг 2016 йил 25 августдаги баённини инобатга олиб,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Олмазор туманида ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун тумандаги 263 та ташкилотларда аҳолининг қуйидаги тоифалари учун жами 2296 та иш ўринлари банд қилиб қўйилсин:

ёлғиз ота, ёлғиз она ва 14 ёшгача бўлган ногирон болалари бор кўп болали ота-оналар учун – болаларини тарбиялаш ва меҳнат мажбуриятлари бўйича вазифаларни уйғунлаштириш имконини берадиган, ўзгарувчан иш жадвалга эга бўлган иш ўринлари;

таълим муассасаларини тугатган ёшлар учун – уларнинг касб бўйича тайёргарлигига мувофиқ бўлган иш ўринлари;

муддатли ҳарбий хизматдан бўшатилган шахслар учун – уларнинг касб бўйича тайёргарлигига мувофиқ бўлган иш ўринлари;

ногиронлар учун – меҳнат шароитлари бўйича аттестациядан ўтказилган ҳамда ходимга иш жараёнларни тўсқинликсиз бажариш имконини (соғлиғининг аҳволи ва меҳнат фаолиятига нисбатан белгиланган зид кўрсаткичлар ҳисобга олинган ҳолда) берадиган иш ўринлари;

Бандликка кўмаклашувчи Олмазор тумани марказида иш қидирувчи сифатида ҳисобда турган пенсия ёшига яқинлашиб қолган шахслар учун – махсус малакани талаб қилмайдиган иш ўринлари;

одам савдосидан жабрланганлар учун иш ўринлари.

2. Олмазор туманида ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг 2017 йил учун банд қилиб қўйиш лозим бўлган ташкилотлар рўйхати иловага асосан тасдиқлансин.

3. Иш ўринларини банд қилувчи ташкилотлар раҳбарларига:

ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни иш билан таъминлаш учун 2016 йил якунланишидан 10 кун олдин банд қилинган иш жойлари умумий миқдорининг камида 25 фоизи учун, 2017 йилнинг 10 апрелидан кечикмай иш жойларининг қолган қисми 75 фоизини барпо этиш (ажратиш ёки банд қилиб қўйиш) тўғрисидаги, яъни ҳар бир тоифа бўйича иш ўринлари банд қилиб қўйиладиган касблар ва лавозимлар, мутахассисликлар Бандликка кўмаклашувчи Олмазор тумани марказига тақдим этилсин;

иловадаги шахслар учун иш ўринлари санитария-гигиена нормалари ва меҳнат шароитларига мувофиқлаштирилиши таъминлансин.

4. Ушбу қарор ижроси бажарилмаган тақдирда, ташкилотнинг мансабдор шахсларига "Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш тартиби тўғрисидаги Низом"нинг 15-бандига мувофиқ жарима солинади.

5. Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахслар учун банд қилиб қўйиладиган иш ўринларини иловада белгиланган миқдордан ортиқча ташкил этган ташкилотлар ушбу иш ўринларини ташкил этишга сарфланган маблағларнинг бир қисмини Бандликка кўмаклашувчи Олмазор тумани маркази билан тузилган шартнома асосида Бандликка кўмаклашувчи жамғармаси маблағлари ҳисобидан қоплаш ҳуқуқига эга эканликлари инобатга олинсин.

6. Бандликка кўмаклашувчи Олмазор тумани маркази (Т.Махмудов):

ташкилотлар раҳбарлари томонидан мазкур қарорни тўлиқ бажариш юзасидан қатъий назорат ўрнатилсин.

7. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтгач қонуний кучга киради.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Олмазор тумани ҳокимининг ўринбосари Д.Искандаров зиммасига юклансин.

Олмазор тумани ҳокими
Б.Гаибназаров

2016 йил 21 сентябрь

Қарорнинг илова қисми билан Тошкент шаҳар ҳокимлигининг tashkent.uz сайти орқали танишиш мумкин.

1 октябрь – Ўқитувчи ва мураббийлар куни

ИЛМ ЧИРОҒИ ЎЧМАГАЙ

Ҳақ йўлида ким сенга бир ҳарф ўқитмиш ранж ила,
Айламак бўлмас адо онинг ҳаққин минг ганж ила.
Алишер Навоий

Дарҳақиқат, илм – энг фазилатли амалдир, чунки у икки дунё саодатининг калити ҳисобланади. Инсон илм ва маърифат билангина чинакам ҳаётдир.

Илм юксак фазилатларга эга катта куч бўлса, уни ўргатган олимлар, устозлар, мураббий ва муаллимларнинг фазли қанчалар улуғ бўлади? Албатта, бизни илм денгизидан, ҳикмат сарчашмаларидан баҳраманд қилган устозларимизнинг нуфузи бениҳоя юксак бўлади. "Устоз отангдек улуғ" дейди доно халқимиз.

Ҳар бир инсонни, у ҳарчанд кўп илмга эга бўлмасин, уни бир устоз ўқитган, тарбиялаган бўлади. Ҳеч ким ўзўзидан олим бўлиб қолмайди. Илм фақат ўқиб-ўрганиш билан ҳосил бўлади. Бу эса толиби илмдан ирода, қатъият, ғайрат-шижоат, устоздан меҳр ва тоғдек сабр-матонат талаб қилади.

Бизнинг аждодларимиз, бобокалонларимиз ана шундай толиби илм бўлганлар, илм олишни ўзларига фарз деб билганлар, илм ўргатишни ўзларига бурч деб билганлар, пок ният билан илм уммонидан дуру жавоҳирлар қидирганлар. Она Ватанимиз Ислом нури ила мунаввар бўлган даврдан бошлаб ўлкамиз илму маърифат масканига айланди, сон-саноқсиз масжиду мадрасалар бино бўлди, улардан минг-минглаб буюк алломалар, улуғ зотлар етишиб чиқди.

Имом Бухорий, имом Термизий, имом Мотуридий, Бурҳонуддин Марғиноний, Баҳоуддин Нақшбанд, ал-Фарғоний, Замахшарий, Беруний, Ибн Сино каби минглаб буюк ватандошларимиз жаннатмонанд Ватанимизнинг довруғини бутун курраи заминга, жумлаи жаҳонга ёйдилар. Мана, минг йиллардан ошдики, бутун дунё бизни Бухорийнинг ватандошлари, Термизийнинг авлодлари деб эҳтиром қилади.

Биз ана шундай улуғ аждодларнинг, улар қолдириб кетган битмас-туганмас илмий мероснинг, улкан хазинанинг ворисларимиз. Юртимиз истиқлотга эришганига чорак аср тўлган бугунги дориломон кунларда сизу бизнинг, ёшларнинг вазифаси яна илмга берилиш, бугуни кунда инсон вазифаси фан-техника тараққиёти туфайли эришган барча билимларни эгаллашдир.

Ватанимизнинг мустақиллигини мустаҳкамлашнинг энг муҳим вазифаси ҳар бир соҳада ўз мутахассисларимизни, олимларимизни етиштиришдир. Шундай экан, илм-фаннинг қайси йўналиши бўлишидан қатъи назар, ўзлигимизга қайтишимиз, миллий қадриятларимизни тиклашимиз, олим бобокалонларимиз қолдириб кетган қўлёзмаларни ўқиб, ўрганиб, улардан ҳаётнинг бугунги талабларига жавоб бера оладиган билим ва кўникмалар ҳосил қилишимиз лозим.

Кези келганда шуни айтиш керакки, ботил ҳаққа эргашса, тараққий этади, бироқ ҳақ ботилга эргашса, таназзулга юз тутади. Бунга минг йиллик тарих шоҳиддир. Ғарб олами Исломдан илмга чанқоқликни, изланувчанликни ўрганди, мусулмонлар тўплаган билим ва тажрибаларни ўзлаштирди ва натижада бугунги кунда улкан тараққиётга эришди.

Илм фақат эзгу мақсадлар, тинчлик, бунёдкорлик, ҳамжиҳатлик, тараққиёт йўлида ўрганилиши керак. Шунинг учун бугунги кунда илм излаган ҳар бир инсон аввало пок ният, эзгу мақсад билан ишга киришсин, ўрганаётган ҳар бир илмини фақат яхшиликка ишлатсин.

Худди шунингдек, динимизга оид илмларни ҳам фақат хулуси ният билан, илм талабини фарз ибодат билиб ўрганиш лозим. Уни кимлар биландир баҳслашиш, илмини кўз-кўз қилиш, динни ниқоб қилиб, турли дунёвий, ғаразли мақсадларига эришиш воситаси қилиб олиш гуноҳдир. Бугунги кунда баъзи ёшларимизнинг диний саводсизлигидан, ўз тарихини, Ислом тарихини, дунё тарихини билмаслиги, сиёсий онгининг пастлигидан усталик билан фойдаланиб қолаётганлар кўпайиб қолди. Уларнинг фикрий хуружлари, мафкуравий алдовларига учаётган баъзи ғўр ёшлар оқу қорани танимай, ўзига, оиласига, Ватанига чапламоқдалар, қора кучлар қўлида кўғирчоқ бўлиб, манқуртга айланиб қолмоқдалар.

Шунинг учун ҳам ота-боболаримизнинг асрий орзуси бўлмиш миллий истиқлолга эришган бугунги авлод олдида улкан, машаққатли, аммо шарафли масъулият турибди. Бу масъулият – Ватанимизнинг кечаси, бугуни ва эртаси, келажак авлод ва бутун инсоният олдидаги масъулиятдир. Бу масъулиятни зиммага олиш учун, уни гўзал тарзда адо қилиш учун чуқур билимга, диний ва дунёвий илмларга эга бўлишимиз лозим. Бу борадаги энг шарафли вазифани муҳтарам устозларимиз, муаллим ва мураббийларимиз адо этадилар. Шунинг учун уларга куч-қувват, ғайрат, сабру матонат тилаймиз, ҳақ йўлида ўргатган ҳар бир ҳарфлари учун битмас-туганмас ажру мукофотлар сўраймиз.

Осмонимиз мусаффо бўлсин, ўқув муассасаларида илм чироғи ўчмасин, бутун олам илм нури ила мунаввар бўлсин.

Раҳматуллоҳ САЙФУДДИНОВ,
Тошкент Ислом институти ўқитувчиси

ЖОНКУЯР МУАЛЛИМА



...Пойтахтимизнинг Юнусобод туманидаги 302-умумтаълим мактаби инглиз тили ўқитувчиси Лола Қодирова 2-синф ўқувчиларига "This is my friend" (Бу менинг дўстим) мавзусида дарс ўтмоқда.

– Ҳар бирингиз энг яқин дўстингиз ҳақида инглиз тилида маълумот берасиз, – деди Лола Қодирова.

– Asilbek, who is your best friend? (Асилбек энг яқин дўстинг ким?)

– My best friend is Davron (Менинг энг яқин дўстим Даврон).

– Please, tell me about your friend (Дўстинг ҳақида сўзлаб бер).

– Davron is one of the well-educated pupils in our class. That's why, he is the leader of the class. He is a good friend. We participate in chess. (Дўстим Даврон аълочи ўқувчилардан, шу сабабли синфимиз сардори. У яхши дўст. Биз у билан бирга шахмат тўгарагига борамиз).

– Хўш, болалар, яна ким яқин дўсти ҳақида айтиб беради?

– Мен.

– Мен...

Дарс жараёни шу тариқа қизиқарли тус олиб боради. Янги мавзу катта қизиқиш билан ўрганилади. Янги сўзларни талаффуз қилиш, мавзуга оид шеър, қўшиқ ва сўзлашувларни ўрганишда мультимедиа воситаларидан фойдаланилди.

– Тил билган эл билади, деган нақл бор халқимизда. Айниқса, бугунги глобаллашув даврида хорижий тилларни билиш ғоят муҳим аҳамият касб этади, – дейди Лола Қодирова. – Бу жаҳон цивилизацияси ютуқларидан баҳраманд бўлиш, хорижий адабиётларни ўқиб-ўрганиш, ўз навбатида, мамлакатимизни дунёга янада кенгроқ танитишга хизмат қилади. Мамлакатимизда чет тилларни ўргатишга эътиборнинг кучайиши биз, ўқитувчиларга катта масъулият юклади. Синфхоналаримизнинг компьютер ва лингафон, фанга доир ўқув қўлланмалар, кўргазмали қуроллар, мультимедиали дисклар билан жиҳозлангани дарс самарадорлигини янада оширмоқда. Ўқувчини тўғри талаффуз қилишга мажбурлаш ёки грамматик хатосини тўғрилаш билан тил ўргатиб бўлмайди. Шу боис дарсларни мулоқот тарзида, кўпроқ машқ, ўйин услубида олиб боришга ҳаракат қилмоқдамиз.

Биринчи Президентимиз Ислом Каримовнинг 2012 йил 10 декабрдаги "Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорига мувофиқ мактабларда ўқувчилар 1-синфдан чет тилини ўрганмоқда. Телерадиоканаллар орқали инглиз тилида турли илмий-оммабоп ва маърифий дастурлар, бадиий ва мультипликацион фильмлар, янгиликлар мунтазам намойиш этилаётгани ҳам тил ўрганувчилар учун айни муддао бўлмоқда.

Лола опа дарсларида ноанъанавий усуллардан самарали фойдаланади. Мавзуларни болаларнинг қизиқишларидан келиб чиқиб танлайди.

Лола Қодирова 1996 йилда Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг инглиз филологияси факультетини битирган. Ўқитувчининг саъй-ҳаракати билан инглиз тили фани мактабда энг юксак маҳорат билан ўқитиладиган, қизиқарли фанлардан бирига айланди. Унинг раҳбарлигида мактабда инглиз тили тўгараги мунтазам фаолият кўрсатмоқда.

Ўқитувчининг меҳнати шогирдлари билими, уларнинг келгусида баркамол инсон бўлиб улғайиши билан ўлчанади. Ўтган йилларда мактабнинг Асилбек Абдуллаев, Абдулазиз Шарипов, Ширин Тожиева каби ўқувчилари инглиз тили бўйича "Билимлар беллашуви", "Инглиз тили билимдонлари" интеллектуал мусобақалари, "Йилнинг энг яхши билимдон ўқувчиси" каби танловларда туман, шаҳар, мамлакат босқичларида совринли ўринларни қўлга киритган. Кўплаб собиқ ўқувчилари хорижий тиллар йўналишидаги олий ўқув юртларида таҳсил олмоқда.

Жонкуяр муаллиманинг меҳнати давлатимиз томонидан муносиб тақдирланди. У Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллик байрами арафасида мамлакатимизнинг Биринчи Президенти Ислом Каримов Фармонига мувофиқ, "Дўстлик" ордени билан мукофотланди.

Мамлакатимизда ҳеч кимдан кам бўлмаган авлодни вояга етказишдек олижаноб мақсадни рўёбга чиқаришда устоз-мураббийларнинг алоҳида ўрни бор. Уларнинг меҳнатини муносиб қадрлаш, ижтимоий мавқеини юксалтиришга қаратилаётган улкан эътибор соҳа ходимларини янада самарали меҳнат қилишга ундамоқда.

Ш.МАМАТУРОПОВА,
ЎзА мухбири

УСТОЗЛАР ИБРАТИ

Ровийларнинг ҳикоя қилишларича узоқ замонларда яшаб ўтган подшога орзиқиб кутган зурриёт, фарзанд насиб этибди. Аммо шоҳнинг қувончи узоққа бормабди. Боиси, гўдак дунёга келгандан бошлаб кучли чинқириб йиғлар ва ҳеч овунмас экан.

Шоҳ ташвишда, тинчи бузилган. Кўрсатмаган имом-аъзаму табиблар қолмабди. Шунда сарой атрофидан ўтиб кетаётган чолғучининг сурнай навоси эшитилибди. Йиғлаб турган болакай бир энтикиб жим бўлиб қолибди.

Шоҳ эса боладаги бу ўзгаришни кўриб, сурнайчини саройга чорлабди. "Қани, яхшилаб чалчи", деб буюрибди. Атрофга таралаётган хазин куй сеҳридан таъсирланган гўдак бир хўрсиниб, йиғлашдан тўхтаб, ором уйқусига кетибди. Шоҳ эса мамлакатда янги туғилган бола шарфига ўша қонадонда албатта сурнай чалинсин, деб фармони олий буюрибди. Бу воқеадан кейин сурнай навоси таралган жойда шодиёна бошланиб, карнай ҳаммаёққа жар солар, ноғора тарақлаб одамларни чорлайдиган бўлибди. Қиссадан ҳисса шуки, куй-қўшиқсиз, қолаверса, нафосатсиз ҳаёт йўқ. Санъат маънавиятнинг гўзал чашмасидир. Наргиза дутор пардаларига кўз югуртириб, шулар ҳақида ўйлар экан биринчи устози Тоир Исҳоқовнинг сўзлари ёдига келди. "Ноталар ҳар қандай чолғу асбоби пардаларининг калитидир. Бусиз санъат оламига кириш қийин", деган эди у. Наргиза айниқса моҳир дуторчи, Ўзбекистон халқ артисти Ориф Қосимовнинг дил сўзларини қайта-қайта эслаб юради. "Санъат йўлида бахтли бўлиш учун орзу қанотининг ўзи кифоя эмас, — деган эди устоз, — фақат меҳнат ва машқларга зўр бериш билан мақсага етиш мумкин". Мураббийларнинг ўгитлари зое кетмади. Ҳали у мусиқа мактаби ўқувчисчи чоғидаёқ "Санъат байрами" кўрик-танловида қатнашиб, олқиш олишга эришган. Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университетига кириш учун тест синовларидан муваффақиятли ўтгандаёқ дуторни моҳирона чертиши билан назарга тушган. Талаба бўлишига қарамай "Барно" хусусий фирмасига қарашли миллий ансамблга бошчилик қилди. Шунингдек, Чилонзор тумани ўқувчилар ижодиёти марказида очилган "Ёш маҳмончилар" дастасига раҳбарлик қила бошлади. Айниқса, унинг "Ўзбекистон халқ артисти Ориф Қосимов ижодини ўрганиш ва тарғиб этиш" мавзусидаги илмий изланиши бўйича университет кўрик-танловида зафар қучиши олий даргоҳ жамоаси назарига тушишига сабаб бўлди. Қарийб йигирма йилдан бери 201-мактабда мусиқа ўқитувчиси сифатида озод ва обод юрт ворисларини баркамол бўлишлари йўлида ғайрат кўрсатиб келмоқда.

— Мактабимизда ўғил-қизларнинг мусиқа маданияти дарсларига қизиқиши ортиб бораётгани қувонарли, албатта, — дейди мактаб директори Саодат Мирзакаримова, — Сўзсиз ёшларда санъатга ошуфталикни шакллантиришда изланувчан ўқитувчи Наргиза Мансуровани хизмати катта. Хусусан, унинг "Дарс жараёнида ўқувчиларни ўзбек мумтоз мусиқа санъатига қизиқишини уйғотиш" мавзусидаги илмий изланишлари ўз самарасини бермоқда. Айни пайтда 5-7-синфлар ўқувчиларида нафақат мусиқа тинглаб билим олиш, балки замонавий ҳамда ота-боболардан мерос бўлиб қолган мақомдек маънавий бойликка муносабат билдириш, қолаверса шарҳлаш ҳисларини шакллантирмоқда.

Наргизанинг ўзига хос дарс бериш усули бор. Машғулотларнинг қизғин ва мароқли ўтиши хам шу билан боғлиқ. Чунки, у ҳар бир дарсга пухта ҳозирланиб, қўшимча маълумотлар тўплайди. Ҳар қандай мусиқа, қўшиқ ёки рақснинг муаллифи, тарихи, кимлар томонидан ижро этилгани, мазмуни ҳақида батафсил тушунча беришга ҳаракат қилади. Қўшиқчиликдаги энг муҳим мезон, у ҳам бўлса овоз, соз ва сўз уйғунлигига эътибор қаратиш лозимлиги ҳақида тушунтириб сўзлаши болалар диққатини жалб этишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Дарсларни фақат синфхона эмас, балки музейлар, санъаткорлар билан ўзаро мулоқотлар билан боғлашга ҳаракат қилади.

Тиниб-тинчимас Наргиза ғолиблик йўлида янада изланиб. 2016 йилда ҳам бу борада яна бир синовдан ўтишга ҳаракат қилди. У "Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси" танловининг туман босқичидан муваффақиятли ўтиб, шаҳар босқичида фахрли учинчи ўринни забт этди.

Умуман куй, қўшиқ ва рақс санъати бола тарбиясида унинг маънавиятини шакллантиришда беқиёс аҳамиятга эга. Санъатга ошно қалб эгаларида эзгуликка интилиш хислатлари мужассам мусиқа болалари келажакка ишонч ва ватанпарварлик туйғулари асносида улғаяди. Шу жиҳатдан қараганда, Наргиза Мансуровани шогирдлари устоздан ибрат олиб, мусиқага ҳавас қўйиб, ўзларининг бўш вақтларини мароқли ва мазмунли ўтказишга ҳаракат қилишмоқда. Мактаб деразаларидан таралувчи Ватан, тинчлик, дўстликни тараннум этувчи қўшиқлар, азалий ва абадий мақом оҳанглари атрофга ёйилса, уни тинглаганлар қадриятларимиз эъзозланаётганидан мамнуният ҳосил қиладилар.

Бунда эса устознинг машаққатли ва заҳматли меҳнатлари мужассам.

М.МИНГБОЕВА

ОИЛА — МУҚАДДАС ҚЎРҒОН

Маълумки, оила жамиятнинг устуни, етакчи таянчи. Статистик маълумотларга таяниб айтганда бир йилда пойтахтимизда минг-минглаб ёшлар никоҳдан ўтиб, ФҲДЁ органлари томонидан расмийлаштирилади. Гап мана шу ёшларнинг келгусида тинч, аҳил яшаб кетишида. Афсуски, орадан ҳеч қанча вақт ўтмай оилаларнинг ажрашиб кетаётгани ачинарлидир.

Шайхонтоҳур тумани "Ўзбекистон" маҳалла фуқаролар йиғинида бўлиб ўтган давра суҳбатида ажримлар масаласи яна бир бор муҳокама этилди.

Бугуни кунда Тошкент шаҳрида республикамизнинг бошқа вилоятларига қараганда ажралишлар сони энг кўп қайд этилаётгани давра суҳбатида алоҳида таъкидланди. Айрим ҳонадонлардаги мавжуд нотинч маънавий муҳитнинг бузилиши натижасида оилавий ажримларнинг содир бўлаётгани ҳаммани ташвишга солмоқда.

Бу борада жорий йилнинг май ойда Тошкент шаҳар ҳокими томонидан оила муносабатларини мустаҳкамлаш ва никоҳдан ажрашиш холатларининг олдини олишга қаратилган қўшма қарор қабул қилинган. Ушбу қўшма қарорнинг қабул қилишдан асосий мақсад оилавий ажримларнинг олдини олиш, бу борада ҳокимликлар, хотин-қизлар қўмиталари, фуқаролик суди, маҳалла фуқаролар йиғини яраштириш комиссиялари, давлат органлари, жамоат ташкилотлари ҳамда ўқув муассасалари ўзаро ҳамкорлигини кенг йўлга қўйишдан иборат. Бу қўшма қарор ижроси бўйича етарли даражада ишлар ташкил этилмаётганлиги айтиб ўтилди.

Йиғилишга тумандаги маҳалла фаоллари, туман имом хатиби, халқ таълими, соғлиқни сақлаш, ФҲДЁ, фуқаролик суди, "Камолот" ЁИҲ, маънавият тарғибот маркази, жамоатчилик ташкилотлари вакиллари, шунингдек, тумандаги энг кўп ажримлар қайд этилган 12 та маҳалладан вакиллар таклиф этилди.

Тўлақонли бўлмаган ва носоғлом оилаларнинг мавжудлиги болалар тарбиясига салбий таъсир кўрсатиб, болалар ва ўсмирлар ўртасида жиноятчиликнинг кўпайиши, ажралиш туфайли болаларни ота-оналари ҳамда уларнинг қариндошлари орасида келишмовчилик, ўзаро зиддиятли муносабатлар келиб чиқади. Оилавий низолар замирида содир этилаётган қотилликлар, ўз жонига қасд қилиш каби қатор кўнгилсиз ҳолатларнинг кўпайишига сабаб бўлмоқда.

Мана шундай салбий иллатларнинг олдини олиш мақсадида Шайхонтоҳур тумани ҳокимлиги хотин-қизлар қўмитасининг устувор вазифаси этиб, оилавий ажримларнинг олдини олиш, тумандаги "Янги Белтепа" маҳалласи танлаб олиниб, яраштириш комиссияси раиси ва маҳалла маслаҳатчиси бошчилигида шу масалага мутасадди бўлган давлат ташкилотлари ва жамоатчилик вакиллари жалб қилинди. Натижада, "Янги Белтепа" маҳалласида ажрим ҳолати 2014 йил 8 ойига нисбатан 5 тага камайди, битта ажрим ҳолати қайд этилди. Туман бўйича ажримлар ўтган йилга нисбатан 70 тага камайган. Аммо Зафаробод, "Ипакчи", "Самарқанд дарвоза", "Шодлик", "Эски Жарариқ" маҳалларида оилавий ажримлар сони 3 тага кўпайган. Бу ҳолатлар маҳалладаги яраштириш комиссияларининг, кенг жамоатчиликнинг масалага лоқайдлик, соввуққонлик билан ёндошиши, оилалар тақдирига бефарқ қараётгани оқибатидир. Агар маҳалла ва жамоатчилик бу масалага алоҳида эътибор қаратганда бу кўрсаткич янада яхшиланган бўларди.

Умуман ажралишларга нима сабаб бўлмоқда? Йиғилишда унинг омиллари келтириб ўтилди. Оилада ижтимоий, маънавий муҳитнинг талаб даражасида эмаслиги, йигит ва қизларнинг турмушга тайёр эмаслиги, оиланинг иқтисодий асоси мустаҳкам эмаслиги, куёвлар ўртасида ишсизлик масаласи, қайнона-келин ва қудалар муносабатлари, йигитларнинг ишлаш учун чет элга чиқиб кетиш ҳолатлари, ажримда энг кўп жабр кўрувчи аёл уй-жойсиз, фарзанди билан алиментсиз қолиши ҳолатларидир.

Савол туғилади: Нега ажримлар айнан ҳамма шароитларга эга Тошкент шаҳрида кўпайиб кетмоқда. Бу бориб турган тўқликка шўхлик эмасми? Бу барчани ўйлантирадиган масала.

Бугун давлатимизда оила муносабатларини тартибга солувчи 50 га яқин қонунлар ҳамда 70 дан ортиқ ҳукумат қарорлари қабул қилинган. Гап мана шу қонун ва қонуности ҳужжатларининг ишлашида.

Очиқ мулоқот тарзида ўтган давра суҳбатида маҳалла фуқаролар йиғини яраштириш комиссияси, жамоатчилик кенгаши, давлат ва нодавлат ташкилотлар масъулияти, ечимини топмаётган муаммолар муҳокама қилинди. Келиб тушган таклифлар асосида йиғилиш қарори қабул қилинди.

Йиғилишда Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Фарида Абдураҳимова иштирок этди.

З.ШАРИФЖОНОВ

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 272- ва 287-моддаларига асосан эгалигида солиқ солинадиган мол-мулки ва ер участкалари бўлган жисмоний шахслар ҳамда деҳқон хўжаликлари жисмоний шахсларнинг мол-мулк ва ер солиқлари тўловчилари ҳисобланади.

Солиқ даври учун жисмоний шахслар томонидан тўланадиган мол-мулк ва ер солиқларини тўлаш муддати ҳисобот йилининг 15 октябрига қадар этиб белгиланган.

Ўз вақтида тўланмаган солиқ суммасига ҳар бир кечиктирилган кун учун қонунчиликда белгиланган тартибда пеня ҳисобланиб, қарздорлик Суд тартибида мажбурий ундирувга қаратилади.

Шундай экан мол-мулк ва ер солиқларини 15 октябрдан кечиктирмай тўлашни унутманг!

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси

Диққат! Диққат! Диққат!

Барча юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан чет эл инвесторлари диққатига! Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси, "Ko`chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ бошланғич нарх босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

Аукцион савдоларига қуйидаги давлат активи қўйилади:

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Бинолардан фойдаланиш департаменти ДУК тасарруфидаги, Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Истироҳат кўчаси, 258-уй манзилида жойлашган умумий майдони 7013 кв. метрга Тенг бўлган Истироҳат фабрикаси бино ва иншоотлари.

Бошланғич нархи – 20 614 156 806 сўм.

Балансда сақловчи: Тошкент шаҳар ҳокимлиги Бинолардан фойдаланиш департаменти ДУК.

Фаолияти ихтисоси: Бинолардан фойдаланиш.

Савдо ташкилотчиси: "Ko`chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1"А"-уй. Тел/факс (0-371) 228-84-48. веб-сайт; www.1kms.uz. электрон почта: rieltsavdo@inbox.uz. Лицензия: RR 0001.

Аукцион савдоси 2016 йил 31 октябрь куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1"А"-уйда ўтказилади.

Аукцион савдоси шу куни бўлиб ўтмаган тақдирда, такрорий савдолар 2016 йил 15, 30 ноябрь, 16 декабрь, 2017 йил 2, 17 январь, 1, 16 февраль, 6, 23 март, 10, 25 апрель, 11 май кунлари, соат 11:00 да бўлиб ўтади.

Аукцион савдолари натижалари бўйича ғолиблик баённомаси имзоланган санадан бошлаб 20 кундан кечикмай олди-сотди шартномаси тузилади.

Талабгорлар давлат активи бошланғич нархининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда олдиндан Савдо ташкилотчиси "Ko`chmas mulk savdo xizmati" МЧЖнинг қуйидаги банк реквизитларига закалат пулини тўлашлари лозим: АИТБ "Ипак йўли" Сағбон филиали, х/р: 20208000904920609114; МФО: 01036; СТИР: 207122519.

Аукционда қатнашишга буюртманома қабул қилиш билдиришнома эълон қилинган санадан бошланади ва билдиришномада кўрсатилган аукцион савдоси ўтказиладиган куни савдо бошланишидан уч соат олдин тамом бўлади.

Аукционда қатнашиш учун савдо ташкилотчисига талабгор ёки унинг вакили аукцион ўтказиш тўғрисидаги эълонда белгиланган муддатларда шахсан ёки почта бўйича қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда аукционда қатнашишга буюртманомани икки нусхада тақдим этади:

юридик шахслар учун – давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг аукционда қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома; жисмоний шахслар учун – паспортнинг нусхаси, аукционда тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, шунингдек, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома; – аукцион тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган банк ҳисоб рақамига закалат тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжатининг нусхаси.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1"А"-уй.

Маълумотлар учун телефонлар: (0-371) 228-84-48. Факс: (0-371) 228-80-23.

Электрон почта: rieltsavdo@inbox.uz. Интернет тармоғидаги веб-сайт; www.1kms.uz, www.gki.uz, www.gkitorg.uz.

Ҳурматли тадбиркор ва ишбилармонлар! Савдоларни ўтказиш жараёнида қонун билан қўриқланадиган ҳуқуқларингиз бузилган тақдирда Давлат рақобат қўмитасининг (0-371) 259-21-37 рақамли Ишонч телефонига зудлик билан хабар беришингиз сўралади!

Савдоларга марҳамат қилинг!

"REALTOR GARANT BUSINESS" МЧЖ

Тошкент оқшоми газетасининг 2016 йил 23 сентябрь кунидаги № 198 (13.261) сонида чоп этилган эълондаги қуйидаги "2016 йил 25 октябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдоларига СИБ Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси томонидан Тошкент вилояти Хўжалик судининг 13.03.2016 йилдаги №11-1504/12373-сонли ижро ҳужжатига асосан хатланган Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Қумариқ 2-тор кўчаси, 102-уйда жойлашган умумий майдони 10 883 кв.м., шундан умумий бино-иншоотлари майдони 1681 кв.м., бошланғич баҳоси: 3 190 039 116 сўм бўлган ишлаб чиқариш учун мўлжалланган база қўйилмоқда." жумласи СИБ Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармасининг 2016 йил 25 сентябрдаги 1781/3-сонли хатига асосан бундан кейин "2016 йил 28 октябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдоларига Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси томонидан Тошкент вилояти Хўжалик судининг 13.03.2016 йилдаги №11-1504/12373-сонли ижро ҳужжатига асосан хатланган Тошкент шаҳар, Сергели тумани, Қумариқ 2-тор кўчаси, 102-уйда жойлашган умумий майдони 10 883 кв.м., шундан умумий бино-иншоотлари майдони 1681 кв.м., бошланғич баҳоси: 2 011 210 000 сўм бўлган ишлаб чиқариш учун мўлжалланган база қўйилмоқда." деб ўқилсин.

Хизматлар лицензияланган

Футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоасидан учралган мағлубиятдан сўнг Қатар терма жамоасига янги бош мураббий тайинланди.

Спорт янгиликлари

ЯНГИЛАНГАН ТАРКИБНИ МАЪЛУМ ҚИЛДИ

Куни кеча янги бош мураббий — Хорхе Фоссати 2018 йилги жаҳон чемпионати саралаши доирасидаги, Қатарнинг Жанубий Корея (6 октябрь) ва Сурия терма жамоаларига (11 октябрь) қарши баҳслари учун 26 кишилик таркибни эълон қилди.

Хорхе Фоссати бир қанча таниқли футболчилардан воз кечди ва уларнинг ўрнига янги номзодларни синаб кўрмоқчи. Янгиланган таркибда 6 сентябрда Ўзбекистонга қарши ўйинда майдонга тушган деярли барча футболчилар жой олган бўлишига қарамай, рўйхатнинг давомида янги номлар ҳам топилади.

Шунингдек, Егор Кримецнинг бош билан йўллаган зарбасини ўтказиб юборган, 30 ёшли дарвозабон — Умар Баррига ҳам таркибдан жой топилмади. Унинг ўрнини Амин Лекомт, Саад Ал Шиб ва Ҳалифа Абу Бакрлар эгаллашлари мумкин.

Ботир ХЎЖАЕВ

Футбол бўйича жорий йилдан олий лигада омадини синаб кўраётган пойтахтимизнинг "Обод" жамоасининг шу кунга қадар ўтказган ўйинлари мухлисларда қизиқиш уйғотмоқда.

БОШ МУРАББИЙ АЛМАШДИ

Чунки "Обод" футболчилари ҳар ўйинда ғалаба иштиёқида майдонга тушмоқдалар, аммо тажрибасизлик туфайли рақибларига имкониятни бой бериб қўймоқдалар.

Шу боисми, эндиликда жамоани янги бош мураббий бошқарадиган бўлди. Собиқ маҳоратли футболчи Жаъфар Иримсетов эндиликда "Обод"ни бош мураббий сифатида майдонга олиб тушмоқда. Жамоанинг мақсади олий лигада ўз ўрнини сақлаб қолиш. Дарвоқе, Жаъфар Иримсетов етакчилигида Тошкентда "Навбаҳор" билан 22-турда куч синашган "Обод" жамоаси рақиблари устидан йирик 3:0 ҳисобида зафар қучди. Бу "Обод"нинг жорий мавсумда эришган илк йирик ҳисобдаги ғалабасидир.

ТАҚВИМДАГИ ЎЗГАРИШЛАР

Маълумки, Ўзбекистон миллий терма жамоамиз 2018 йилда Россияда уюштириладиган жаҳон чемпионатига саралаш турнирининг учинчи босқичи гуруҳ баҳсларида иштирок этмоқда.

Шу боис Ўзбекистон футбол федерацияси миллий терма жамоамиз манфаатларини биринчи ўринга қўйган ҳолда мамлакат XXV миллий чемпионати олий лига жамоалари учрашувлари тақвимига ўзгаришлар киритди. Унга кўра 23-тур доирасидаги "Навбаҳор" – "Пахтакор" ўйини 24 сентябрда, 24-тур доирасидаги "Пахтакор" – "Локомотив" ҳамда "Бухоро" – "Бунёдкор" беллашувлари 28 сентябрда, 20-тур доирасидаги "Машъал" – "Локомотив" ўйини 17-19 октябрга белгиланган заҳира кунларида бўлиб ўтади.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ



"КАМОЛОТ" СТИПЕНДИЯСИ"ГА МУНОСИБЛАР

Тошкент Давлат иқтисодиёт университетида "Камолот" стипендияси танловининг Тошкент шаҳар босқичи ўтказилди.

"Камолот" стипендияси танлови Ўзбекистон "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ташаббуси билан Республикадаги олий таълим муассасалари талабалари ўзлари таҳсил олаётган олий таълим муассасаси ҳамда "Камолот" ЁИҲ фаолиятини самарали ташкил этишдаги фаоллик ва ташаббус кўрсатган, Ҳаракат томонидан амалга оширилган лойиҳаларда иштирок этиб, фахрли натижаларга эришган, шунингдек, ижтимоий-сиёсий, маънавий ва ҳуқуқий билимларга эга ёшларни рағбатлантириш мақсадида эълон қилинган.

Танловнинг биринчи босқичи – иштирокчиларни анкета ва ҳужжатларини қабул қилиш босқичи бўлиб, жорий йилнинг сентябрь ойида Тошкент шаҳрида жойлашган олий таълим муассасалари талабаларининг ҳужжатлари қабул қилинди. Маълумот ўрнида айтиш мумкинки, 2015 йилда мазкур танловга олий таълим муассасаларидаги 80 нафар талаба иштирок этиш учун мурожаат қилган ва Республика комиссияси томонидан Тошкент шаҳридан иштирок этган 33 нафар талаба "Камолот" стипендияси танловининг совриндорига айланган.

Олий таълим муассасаларида таълим олаётган "Камолот" степендиясини қўлга киритишни истаган 110 нафар ёшлар "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати фаолиятида ёки умуман ёшлар ўртасида амалга оширишга мўлжалланган лойиҳалари билан иштирок этишди.

"Камолот" стипендияси танловини ўтказишдан асосий мақсад "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг ўз мақсад-вазифалари, лойиҳалари билан олий таълим муассасалари талабалари орасига янада чуқурроқ кириб бориш, талабаларнинг суянч ва таянч ташкилотига айланишини таъминлашга қаратилган. Шунингдек, олий таълим муассасалари талабаларининг "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати фаолиятига интилишини кучайтириш, талабаларнинг ўз иқтидори ва фаоллигидан маънавий-ижтимоий манфаатдорлик даражасини белгилаш олий таълим муассасаларида талабаларни фаолликка ундовчи ижтимоий муҳитни шакллантириш, талабаларнинг жамоат ишлари ва Ҳаракат фаолиятидаги фаоллиги, ташаббускорлигини рағбатлантириш, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати фаолиятини кучайтиришда талабаларнинг иқтидори, илмий салоҳияти, фаоллиги ва шижоатидан унумли фойдаланишдан иборат.

Зарина РУСТАМОВА

Айни кунларда мамлакатимизда ўқитувчилар ва мураббийлар куни муносабати билан турли мавзудаги тадбирлар, ижодий учрашувлар ва спорт мусобақалари бўлиб ўтмоқда.

ЭПЧИЛЛИК, ЧАҚҚОНЛИК МУСОБАҚАСИ

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси томонидан Тошкент Халқаро Вестминстр университетининг спорт мажмуасида ўтказилган спорт мусобақалари ҳам, Ўқитувчилар ва мураббийлар куни ҳамда Соғлом она ва бола йилига бағишланди.

Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари ҳамкорлигида ташкил этилган мусобақада Миробод туманида жойлашган 6 та олий таълим муассасасининг аёл ўқитувчилари жамоалари ўзаро беллашди.

Тадбирда Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар қўмитаси раиси Ф.Абдураҳимова Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда ёшларга пухта билим бериш, оналар ва болалар саломатлигини яхшилаш, ўқитувчилар мақомини янда оширишга доир эзгу ишлар бугунги кунда ўз самарасини бераётганини таъкидлади.

– Юртимизда педагог хотин-қизларнинг эзгу ғояларини, изланиш ва интилишларини, ташаббускорлигини қўллаб-қувватлаш, уларни жисмоний тарбия ва оммавий спортга жалб этишга жуда катта эътибор қаратилмоқда, – дейди Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитасининг оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш бўлими бош мутахассиси Нилуфар Рўзиева. – Бу тадбирлар негизида хотин-қизларнинг саломатлигини янада яхшилаш, муҳофазалаш, асраш, турли касалликларнинг олдини олиш, аёлларнинг ўз соғлиғига бўлган эътиборини кучайтириш, оилада, маҳаллада, ўқув муассасаларида спортга бўлган қизиқишини оширишдек эзгу мақсадлар қамраб олинган. Зеро, жамиятнинг гуллаб-яшнаши, фарзандларимизнинг соғлом туғилиши ва камолга етишида хотин-қизларнинг саломатлиги муҳим аҳамият касб этади. Ушбу спорт мусобақаси ҳам педагог аёлларнинг спортга бўлган қизиқишини оширишга қаратилган нурли бир боғичдир. Бу боғичда нафақат чаққонлик балки саломатлик, гўзаллик ва нафосат ришталари бир-бирига ўзаро чамбарчас боғлиқдир.

– Мазкур спорт мусобақаларида институтимиз хотин-қизлар жамоаси ҳам ўзгача шижоат билан қатнашди, – дейди Тошкент Фармацевтика институти хотин-қизлар қўмитаси раиси Мамлакат Саидова. – Ўқув муассасамизда талаба қизларни спортга жалб этиш учун жисмоний тарбия машғулотлари ўз вақтида ўтказилади ва шу билан бирга спорт тўгараклари ҳам мунтазам равишда ишлаб турибди. Педагогика жамоа таркибидаги аёл ўқитувчилар учун алоҳида тренажёр заллари, гимнастика хонаси, югуриш, волейбол, баскетбол, стол тенниси билан шуғулланишлари учун махсус майдончалар яратилган. Сузиш ҳавзаларига, соғломлаштириш мажмуаларига имтиёзли йўлланмалар ажратилган. Бу аёллар саломатлигида спортнинг нечоғли муҳим эканлигидан далолат беради.

"Қувноқ стартлар" мусобақаси тарзида ўтказилган спрот беллашувларида педагог хотин-қизларнинг чаққонлиги, зийраклиги яна бир бор кўзга ташланди. Улар ўзларига юклатилган ҳар бир шартни тезкорлик ва ўзгача бир қувонч билан амалга оширдилар.

Бу мусобақа аёлларнинг кучлилигини аниқлаш мақсадида эмас, балки уларнинг спортга бўлган қизиқишини янада орттириш, саломатлигига эътибор қаратиш ва энг асосийси ўқитувчилар жамоасининг ҳамкорликда турли тадбирлар ўтказишига, ўз тажриба ва билимларини мустаҳкамлаб олишида муҳим аҳамият касб этади.

Мусобақа якунида иштирокчи жамоаларга диплом ва қимматбаҳо эсдалик совғалари топширилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Э.Боситхонова иштирок этди.

Гулчеҳра ДУРДИЕВА

"101"

ЁНҒИН ХАВФСИЗЛИГИ ҚОИДАЛАРИГА РИОЯ ЭТАЙЛИК!

Ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари томонидан жойларда аҳоли ўртасида "тилсиз ёв"нинг олдини олиш бўйича мунтазам учрашувлар ташкил этиб келинмоқда.

Амалга оширилаётган тадбирлардан кўзланган мақсад – аҳоли ўртасида ёнғинга қарши курашни кучайтириш, уларнинг олдини олишга аҳолини жалб қилишдан иборат. "Тилсиз ёв" билан курашиш фақатгина ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимларининг эмас, балки ҳар бир фуқаронинг бурчи ҳисобланади.

Аҳолининг ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиши мақсадга мувофиқ бўлар эди. Шундагина биз уйимиз, иш жойимизни, қолаверса ўзимиз ва яқин кишиларимизнинг ҳаётини асраб қолган бўламиз.

И.ҲУСАНОВ,
Учтепа тумани ИИБ ЁХБ инспектори, сержант

* * *

Ҳаётда содир бўладиган даҳшатли фалокатлардан бири ёнғиндир.

Ҳатто қадимги замонларда ота-боболаримиз ушбу фалокатдан сақлайдиган туморларни олиб юришган.

Аммо ҳозирда кишилик тараққиёти юксалса ҳам айримлар оловдан тўғри фойдаланишни билишмайди. Кўпчилик фуқаролар уйларида электр тизимини ўзлари билганича, хавфсизлик қоидаларига риоя қилмасдан таъмирлашади. Худди шундай ҳолларни корхона-ташкилот, аҳоли уй-жойларида ҳам учратиш мумкин. Шу сабаб келиб чиқаётган ёнғинлар оқибатида давлат ва халқ мулкига катта зарар етиши билан бирга бу офат инсонлар ҳаётига хавф солмоқда. Шунинг учун ҳар ким ўз уйи, маҳалласи, шунингдек, ишхонасида ҳам электр ва газ ускуналари билан ишлашда эҳтиёткор бўлмоғи лозим.

А.АБДУЛАЗИЗОВ,
ИИБ ЁХБ инспектори, сафдор

* * *

Ёш болаларни қаровсиз қолдириш ёнғинга олиб келувчи сабаблардан бири ҳисобланади.

Агар бола қаровсиз қолдирилса, у ўзича гугурт ўйнаши, электр асбобларни ишлатиши мумкин. Табиийки, ёш бола ўз ишини тўла тасаввур эта олмайди, қолаверса у ёнғин хавфсизлиги қоидаларини билмаслиги ҳам мумкин. Шу сабабли ота-оналар фарзандларини оловдан эҳтиётлаш билан бирга ёнғин хавфсизлиги қоидаларини ҳам ўргатиб боришса мақсадга мувофиқ бўларди.

У. АҲМЕДОВ,
ЁХБ инспектори, кичик сержант

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

"Best realtor" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

Савдога Мирзо Улуғбек туман СИБ томонидан, ЖИБ Юнусобод туман судининг 24.03.2014 йилдаги 1-12/14-сонли ижро ҳужжатига асосан, "Ks Ind" МЧЖга тегишли, Тошкент вилояти, Олмалиқ шаҳри, Примқулов кўчасида жойлашган, ер участкасининг умумий майдони 41055,95 кв.м., қурилиш остидаги ер майдони 9773,0 кв.м., умумий фойдаланиш майдони 10989,83 кв.м., асосий бинолар сони 20 та бўлган бино ва иншоотлар ичидаги ажратилмаган ишлаб чиқариш асбоб-ускуналари (Волочильный стан 2 (R.B.D) от 8 мм до 1 мм, волочильный стан 1 (Rolling machine) от 16 мм до 8 мм, Экструдер (EXTRUDION VA-CHINE) QLVG-650 №0110/1500N/1-8 мм, Медеплавильный печь UPWARD CUSTING индукционного типа, Электрическое оборудование ZWICH ROeli Z020 RESISTOMAT 2316 Burster, тип 2316-V0001, Дизельный генератор DISEL GENERATOR ASKA model APD 550C) билан бирга тақроран қўйилмоқда. **Бошланғич баҳоси – 7 419 342 842 сўм.**

Аукцион савдолари 2016 йил 17 октябрь куни соат 11:00дан бошлаб ўтказилади.

Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризалари қабул қилишнинг охирги муддати: 2016 йил 14 октябрь куни соат 18:00.

Савдога қўйилган мулклар билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда "Best realtor" МЧЖнинг АИТБ "Ipak yo'li" Сағбон филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: х/р: 20208000000433601001, МФО: 01036. ИНН: 303179580.

Манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Осиё кўчаси, 1-уй, Телефон: (99895)193-01-11. www.mailto:emulk.uz, bestrealtor@inbox.uz.

Лицензия RR-0225.

ТАДБИРКОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

Тошкент шаҳар Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси томонидан ҳафтанинг ҳар шанба куни бошқарма биносида тадбиркорлик субъектларида мавжуд бўлган муаммо ва таклифларни ўрганиб бориш мақсадида "Очиқ эшиклар куни" ташкил этилган.

Тадбиркорларнинг малакали мутахассислар билан мулоқоти бошқарма биносида соат 10.00 дан 13.00 гача бўлиб ўтади. Манзил: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 2А-уйнинг биринчи қавати. Бошқарма маъмурияти.

"PRIMA DELUXE" хусусий корхонаси мулкдорининг 2016 йил 26 сентябрь кунидаги 18-сонли Қарорига мувофиқ, корхонанинг устав фонди 460 000 000,00 сўм миқдоридан 455 000 000,00 сўм миқдорида камайтирилиб, янги устав фондининг миқдори 5 000 000,00 сўмни ташкил этади.

Ариза ва мурожаатлар қуйидаги манзилда қабул қилинмоқда: Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Катта Хирмонтепа кўчаси, 1-уй.

"ТОШКЕНТ ОҚШОМИ" ва "ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ"

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади.
Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (371) 232-11-39.
Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 225-хона.

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

*Тошкент шаҳрида **29 сентябрь** куни ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. 30 сентябрга ўтар кечаси ёмғир ёғиши мумкин. Шарқдан ғарбга томон секундига 5-10 метр тезликда, кучайган ҳолда секундига 12-17 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 16-18, кундузи — 30-32 даража иссиқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **29 сентябрда** Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.*

Тошкент оқшоми

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95. факс: (371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

ISSN 2010-1201

Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz

Буюртма Г- 955

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 4875 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Топшириш вақти: 13.00

Нашр учун масъул О. Ҳазратов

Босишга топширилди: 14.20

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ